
“БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ”

Бугун юртимиздаги барча таълим муассасаларида биринчи қўнғироқ садолари остида янги ўқув йили бошланди.

Жорий йилда Данғара туманидаги 43 та умумтаълим мактабида ҳам “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида “Биринчи қўнғироқ” тадбирлари ўтказилиб, умумтаълим мактабларининг 1-синфига 3545 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Туман ҳокими Шухратжон Тожихакимов Оқтепа МФЙда жойлашган 27-умумтаълим мактабида “Биринчи қўнғироқ” тадбирида иштирок этиб, юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси, ўқитувчи ва ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида тўхталди.

Мазкур таълим масканида ушбу янги ўқув йилининг бошланиши қўшалоқ байрамга айланди. Боиси, инвестиция дастури асосида 536 ўринли мавжуд билим даргоҳи мукаммал таъмирланди ҳамда 330 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриб битказилди.

Тадбирда бу йил илк марта мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўқувчиларга ўқув қуроллари жамланган Президент совғалари топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2022-09-05 19:20:38